

олабуталари Оролнинг куриган туби тупроқлари стресс омилларига бардошли бўлиб, ушбу ўсимлик турларини регионда экиш орқали шамол эрозиясига қарши курашиш ва юқори ҳосилли яйловлар барпо қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қорақалпоғистон тараққиётида янги саҳифа очилмоқда. Халқ сўзи газетаси. 2022 йил, 23-феврал., № 41 (8103).
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М., Колос, 1979. – 379 с.
3. Раббимов А. Ўзбекистонда изен (*Kochia prostrata* L. Schrad) ўсимлиги ва ундан фойдаланиш. Самарқанд, “Zarafshon” нашриёти, 2014. – 111 б.
4. Раббимов А., Хамраева Г. Чўл озукабоп ўсимликлари интродукцияси ва селекцияси бўйича услубий тавсиялар. Самарқанд, 2016. – 48 б.
5. Шамсутдинов З.Ш. Создание долголетних пастбищ в аридной зоне Средней Азии. Ташкент, ФАН, 1975. – 174 с.

УЎК:633.39+633.1:631.563

ЧЕРКЕЗ УРУҒЛАРИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ф.А.Раббимов-таянч докторант

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада истиқболли бута фитомелиорантлардан бири бўлган Палецкий черкези-*Salsola paletzkiana* Pall. ўсимлиги уруғларининг баъзи сифат кўрсаткичларини ўрганишдан олинган маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: чўл яйловлари, деградация, ҳосилдорлик, озук сифати, фитомелиорация, бута ўсимликлар, уруғ, унвчанлик, уруғмуртак, абсолют масса.

Summary. In the article, one of the promising shrub phytomeliorants of - *Salsolapaletzkiana* Pall. The data obtained from the study of some quality indicators of plant seeds are presented.

Key words: desert grasslands, degradation, productivity, forage quality, phytoremediation, shrub plants, seed, fertility, seed set, absolute mass.

Кириш. Чўл ва ярим чўл яйловлари яйлов чорвачилигининг асосий озук манбаи ҳисобланади ва улардан деярли йил давомида фойдаланилади. Кейинги йилларда соҳада яйлов озукаси танқислиги юзага келиб, чорва ҳайвонларини тўлақонли яйловда озиклантиришда муаммолар юзага келиб, уларни қўшимча озиклантириш, бошқа узоқ яйловларга кўчириш каби ҳолатлар тез-тез такрорланиб, соҳани барқарор ривожлантириш имкониятларини чегаралаб қўймоқда. Бу ҳолатнинг юзага келиши албатта глобал иқлим ўзгариши, қурғоқчиликнинг тобора авж олиши ва энг муҳими, яйловларнинг катта қисмида ўсимлик қопламнинг инқирози, яъни яйловларнинг деградацияси жараёнининг жадаллашиб бораётганлиги, ўсимлик қопламида биологик хилма-хилликнинг камайиши ва пировард натижада, яйловлар ҳосилдорлигининг ва озук сифатининг маълум даражаларда пасайганлиги сабаблидир. Ҳозирги кунда яйловларни фитомелиорациялаш орқали ҳосилдорлигини ошириш муҳим иқтисодий, социал ва экологик аҳамиятларга эга бўлган долзарб вазифалардан бирига айланди. Бунда фитомелиорантлар сифатида чўлнинг стресс омилларига ўта бардошли, қимматли озукабоплик хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, юқори ҳосилли ва яйловда узоқ йиллар давомида яшаш имкониятига эга ўсимлик турларини танлаш, уларнинг экологик, биологик, хўжалиқбоп хусусиятларини чуқур ўрганиш ва маданий шароитларда етиштиришнинг агротехник асосларини ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Яйловларни фитомелиорациялашда бута ўсимликларнинг аҳамияти кенг қиррали ва ҳар томонлама

муҳим ҳисобланади. Буталар ўз фитоген майдонлари доирасида ўзига хос микроиқлим ҳосил қилиб, ярим бута ва ўтчил турларнинг нисбатан яхши ривожланиб, юқори ҳосил тўплашига имкон яратади [4]. Фитомелиорант сифатида черкез турларининг истиқболли эканлиги кўп йиллик тадқиқотлар натижасида исботланган [2; 5]. Палецкий ва Рихтер черкезлари қимматли озуқабоп ўсимликлар бўлиб, чўлнинг ўта қурғоқчил иқлим шароитларида ўсишга ва юқори пичан ва уруғ ҳосилини тўплаш имкониятига эга ўсимлик турлари ҳисобланади. Черкез турлари кумли чўлларда кенг тарқалган ва кўпчилик ҳолларда ландшафт ҳосил қилувчи ўсимликлар ҳисобланади. Лекин уларни бута ва ярим бута ўсимлик турларидан батамом холи бўлган, инкирозга учраган яйлов ерларида етиштиришнинг илмий асослари ҳали етарлича ишлаб чиқилмаган. Айниқса уруғларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш бўйича илмий маълумотлар деярли учрамайди.

Тадқиқотлар мақсади бўлиб Палецкий черкезининг табиий популяцияси ва Қарнабчўлда иқлимлаштирилаётган популяцияларида ҳосил бўлган уруғларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларни олиб боришда уруғчилик ва уруғшуносликда умум қабул қилинган услублардан [1;3] фойдаланилди. Тадқиқот манбалари сифатида Бухоро вилояти, Қоровулбозор туманида тарқалган Палецкий черкези ва Қарнаб тажриба даласида синалаётган Қорақалпоғистон республикасининг Мўйноқ туманидан олиб келинган Палецкий черкези 1- Қарнаб репродукцияси уруғлари хизмат қилди.

Тадқиқот натижалари. Ҳар иккала популяцияларда 2022-йилда ҳосил бўлган уруғларнинг тозалиги (қўлда терилган технология), уруғ ўлчамлари, 1000 донаси абсолют массаси, уруғларнинг бўлиқлиги (нормал ривожланган уруғмуртакли уруғлар салмоғи) ва уларнинг лаборатория шароитидаги унувчанликлари ўрганилди. Тадқиқотлардан олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Черкез турлари чўл озуқабоп ўсимлик турлари орасида уруғ махсулдорлиги жиҳатидан энг кўп уруғ ҳосил қилувчи ўсимлик ҳисобланади. Черкез ўсимлиги уруғлаш фазасида ейилувчан массасининг 65-70 % ини уруғлар фракцияси ташкил қилади. Одатда черкез уруғлари бошқа турдаги чўл озуқабоп ўсимлик уруғларини йиғиб олишда қўл кучи ёрдамидан фойдаланилганидек, қўлда йиғиб олинади. Уруғларни қўлда териб олишда уларнинг тозалиги 63-65 % ни ташкил қилди. Черкез уруғлари нисбатан йирик қанотчалар ривожланган уруғ қобиғи билан ҳимояланган бўлиб, ушбу қанотчалар уруғларнинг шамолда узоқ масофаларга тарқалишига хизмат қилади.

1-жадвал

Палецкий черкези уруғларининг сифат кўрсаткичлари

Популяциялар	Тоза лиги, %	Уруғ диа метри, мм	Бўлиқ- лиги,%	1000 донаси абсолют массаси, г	Лаборатория шароитидаги унувчанлиги, %
Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ тумани, 1- Қарнаб репрод	65	15,0	19	13,8	16,4±2,3
Бухоро вилояти, Қоровулбозор туман	63	17,0	21	15,7	14,8±2,8

Турли популяцияларда ҳосил бўлган уруғларнинг диаметри турлича: 13,8- 17,7 мм. Ушбу ҳолат 1000 дон уруғлар массасида ҳам кузатилади. Масалан, бизнинг тадқиқот манбаларида бу кўрсаткич 13,8 г дан 15,7 г гача ўзгариб туриши аниқланди. Бундай ўзгарувчанлик индивидуал характерга ҳам эга. Лекин, биз олиб борган тадқиқот

натижаларига кўра, уруғларнинг сифат кўрсаткичлари жуда паст, яъни уруғларнинг фақатгина 19-21% ида нормал ривожланган уруғмуртаклар мавжудлиги аниқланди. Қолган 79-81% уруғларда уруғмуртаклар тўлиқ ривожланмаган бўлиб, пуч уруғлар эканлиги аниқланди. Табиий ўсиш ареалидан олиб келинган уруғларнинг ҳам, Қарнабчўлга иқлимлаштирилаётган популяция уруғларининг ҳам уруғларнинг бўлиқлиги жиҳатидан нисбатан бир хилда паст кўрсаткичларга эга эканлиги ушбу хусусиятнинг ўсимликка хос биологик хусусият эканлигидан далолат беради. Уруғларнинг лаборатория шароитидаги унувчанлиги ҳам нисбатан паст кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. Уруғ намуналарида бўлиқ уруғлар салмоғининг камлиги туфайли уларнинг лаборатория шароитидаги унувчанлиги ҳам паст кўрсаткичларга эга, яъни бу кўрсаткич турли популяцияларда 14-16 % ни ташкил қилди.

Хулосалар. 1. Палецкий черкези уруғларининг экинбоплик сифатлари бошқа турдаги чўл озукабоп ўсимликлар уруғлари сифатига қараганда нисбатан паст ва бу ҳолатни уруғларнинг экиш меъёрларини белгилашда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Уруғларнинг сифат кўрсаткичларининг пастлиги сабабларини ўрганиш мақсадида ушбу йўналишдаги тадқиқот ишларини турли экологик шароитларда ўсиб турган популяцияларни жалб қилган ҳолда давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кулешов Н.Н. Агрономическое семеноведение. М., Сельхозиздат, 1963. -312 с.
2. Мухаммедов Г.М. Улучшение пастбищ Центральных Каракумов. Ашхабад, 1979. Изд-во «Билим». – 214 с.
3. Леурда И. Г., Бельских Л.В. Определение качества семян. М., «Колос», 1974. -100 с.
4. Убайдуллаев Ш.Р. Саксаул черный как перераспределитель солнечной радиации в пастбищных фитоценозах // Вопросы селекции, семеноводства и укреплении кормовой базы каракулеводства. Ташкент, 1983. -С.99-104.
5. Шамсутдинов З.Ш. Создание долголетних пастбищ в аридной зоне Средней Азии. Ташкент, «Фан», 1975. -174 с.

УЎК:581.16:582.736

ONOBRYCHIS CHOROSANICA BGE. ЎСИМЛИГИНИНГ УРУҒ МАХСУЛДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.Хўжакулов-таянч докторант

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада Хуросон эспарцети ўсимлигининг адирлар шароитида уруғ ҳосил қилиш хусусиятлари баён қилинган.

Калим сўзлар: дуккакдошлар, мезофит, гул гунча, гул, гултўплам, уруғ, дуккак, тукчалар, сарғиш-яшил.

Annotation. The article describes the characteristics of the *Onobrychis chorassanica* Bge plant in hill conditions.

Key words: *Fabaceae*, mesophyte, flower bud, flower, bouquet, seed, bean, hairs, yellow-green.

Кириш. Глобал иқлим ўзгариши, антропоген ва техноген омилларнинг таъсири натижасида Ўзбекистон чўл ва ярим чўл яйловларининг 5 млн. гектарида ўсимлик қоплами кучли инкирозга учраб, улардан деярли фойдаланишнинг имкони бўлмаётган қолмоқда. Қолган яна 10 млн. гектар яйловларда ҳам турли даражадаги инкироз кузатилиб, уларни сифат жиҳатидан яхшилаш зарурати туғилмоқда [5]. Яйловшунослик